

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
КИНО, ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО САНЪАТИ ФАКУЛЬТЕТИ
“САНЪАТШУНОСЛИК ВА МАДАНИЯТШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ**

“Ором соатларида” киносценарий

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 5150200-Санъатшунослик
(Саҳна ва экран санъати драматургияси)
таълим йўналиши 4 курс талабаси
Истамова Гулмеҳра Рустам қизи

Курс раҳбари:

“Санъатшунослик ва
маданиятшунослик” кафедраси доценти,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист киносценарист
Э.Аъзамов

Илмий раҳбар:

“Санъатшунослик ва маданиятшунослик”
кафедраси доценти, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист киносценарист
Э.Аъзамов

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.

_____ сонли баённомаси «_____» _____ 2016 йил

ТОШКЕНТ – 2016 й

Мундарижа

1. Битирув малакавий ишнинг таҳлили.....	17
2.Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	1
3.Асарнинг тўлиқ шакли.....	32

Малакавий битирув ишининг таҳлили

Кириш

“Санъат ва маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбига йўл топиш ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳар қайси истеъдод эгаси ўзига хос бир олам, шу сабабли ижод аҳлига қандайдир ақл ўргатиш, энг асосийси, уларни бошқаришга уриниш мумкин эмас. Лекин бу ҳаётда уларни бирлаштирадиган, янги ижодий марралар сари илҳомлантирадиган муқаддас тушунчалар борки, улар Ватан ва халқ манфаати, эзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан узвий боғлиқдир. Агарки ҳар қайси ижодкор ўз асарларида ана шу ўлмас ғояларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни бадиий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз, адабиёт ҳам, маданият ва санъат ҳам том маънода маънавий юксалишга хизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлиқ адо этишга эришган бўлади.”¹

И.А. Каримов

У шундай кучки, барчани ўзига ром этади. У шундай ўтки, алангасида бир умр ёниб яшамок бахтга баробар. У шундай гўзал, шундай ажиб мўжизаки, ундан кўнглингиз мунаввар тортиб, ишқингизни узмоқ муаммога айланади. Қарангки, инсон пайдо бўлибдики, санъатга, куй- кўшиққа қалбан эҳтиж сезган, инсонни гўзалликка, эзгуликка бўлган интилиш туйғуларни ҳам айнан санъат мустаҳкамлашга қодир. Кишида дид, эстетика, муҳаббат, ҳатто, дунёқарашни ҳам шаклланишига ҳам у замин яратади. Санъат ҳаётимизнинг мукаммал мўжизаси бўлиб, унда дунёни танимоқ, орзуларга етмоқ мумкин. У шундай кучки, ўзининг сирли оламига фақат ҳақиқий ижодкорларни, талантликларнигина чорлашга ва меҳнат қилишга ундайди. Унга ошно бўлмаган дилни топиш амри маҳол. Шу билан бирга санъат турларининг барчаси борки, ўзи учун фидойиликни, жонкуярликни талаб қилади. Айнан кишиларни маърифатга чорлайдиган, изидан эргаштирадиган, кўнглига ёруғлик уруғини сочиш баробарида кези келса кулдириб, кези келса йиғлатадиган, халқнинг эътибор, севги ва ардоғига сазовор бўладиган соҳа вазифасини бажаради. Бу соҳа вакиллари қанчалар ҳумратга муносиб бўлсалар, унга шунча машаққат эвазига эришадилар. Бу айнанкино ва театр санъатидир.

¹И.А.Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008, 75-бет.

Кино ва театр ҳақида гап борар экан беихтиёр Президентимиз И. А. Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асаридаги ушбу жумлаларни яъни “...шуни таъкидлаш жоизки, ана шу соҳа вакиллари, яъни ўқитувчи ва мураббийлар, ёзувчи ва журналистлар, кино ва театр аҳли, муסיқачилар ва рассомлар, умуман, зиёлиларимиз халқимиз учун янгича воқелик бўлмиш бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жамият олдидаги маънавий бурчини чуқур ҳис этган ҳолда, ўз истеъдод ва маҳоратини аямасдан астойдил меҳнат қилмоқда”,² деб ушбу соҳа вакиллрининг халқ учун кўрсатадиган олий бурчини адо эта олаётганлигини тилга олганини таъкидлаш жоиз. Бу орқали бугунги жамиятимизни цивилизациянинг акс таъсирлари оқибатида тўла муаммоли вазиятда бир ёкадан бош чиқаришга, эзгу мақсадларга интилиш туйғулари, ватанпарварлик ҳисини инсон онгига сингдириш масаласи, айнан, маърифатпарвар устозлар ва барчага тез таъсир кўрсатадиган санъат аҳли зиммасидаги юк ҳам ўз ўрнида айтиб ўтилади.

Бугунги кунда бадиий кино сценарийси тўлақонли асар бўлиб, у кионинг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда ёзилади ва у асосида фильм яратиш мўлжалланади. Сценарий ёзиш учун унинг муаллифи ўз материалини эмас, шу билан бирга кионинг табиати, унинг турлари, хусусиятини чуқур билиши лозим. Масалан, ҳужжатли фильмнинг сценарийси бадиий фильм сценарийсидан фарқ қилади. Ҳужжатли фильм сценарийсида муаллифнинг материални чуқур мушоҳада қилиш ва баён этиши адабиётнинг очерк жанри шаклида бўлади. Унда диктор ўқиши лозим бўлган матннинг мазмунли ва ифодали бўлишига алоҳида эътибор берилади. Диктор матнни ҳужжатли кионинг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган кузатув услубининг узок, муддат давом этишига асосланадиган бўлса, бундай ҳолда сценарий ана шу оддий бўлмаган жараёнга мое килиб ёзилади. Ҳужжатли кинода монтажли фильмлар сценарийси иш учун зарур бўладиган хроника материалларини кўргандан кейин ёзилади.

Кино, жамоатчилик фикрини, инсонда эстетика, дидни, шунингдек, унинг дунёқарашини шакллантиришдек қудратли кучга эга санъат туридир. Ҳозирда томошабинлар аудиториясининг асосий қисмини 14 дан 35 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Шу боисми, киноижодкорлар ҳам мавзу танлашда ёшларнинг қизиқишлари, талаб-истакларидан келиб чиқмоқда. Бугунги шиддаткор даврда ёшларнинг фикри, қизиқиши, дунёқараши оилада шаклланади деган классик тушунчадан биров четланиб, воқеликка теран нигоҳ ташлайдиган бўлсак, ёшларимиз интернет, хориждан кириб келаётган

²И.А.Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008, 60-бет.

турли олди-қочди фильмлар таъсирида тарбияланаётганининг гувоҳи бўламиз. Биз ёшларга бу каби маълумот манбаини ўрнини эгаллашга қодир ниманитавсия эта оламиз.

Кинога фақат даромад манбаи сифатида қараётган киноижодкорлар ўзлари сурат олаётган киноасарларнинг ёш йигит-қизнинг руҳиятига, ақл-заковатига қай тарзда таъсир этаётгани қизиқтирармикин?! Ўз истеъдоди билан жамоатчиликка танилмаган, ҳатто бу соҳага бутунлай нотаниш ҳаваскор киночилар кино суратга олишдан мақсад фақат даромад олиш деб билиши оқибатида, тез қабул қилинадиган, асосан ақлга, онг-шуурга эмас, шунчаки кайфиятга таъсир қиладиган – ҳордиқ берадиган асарлар яратилди.

“...Хусусий киностудиялар томонидан суратга олинган фильмлар сценарийларида қуйидаги камчиликлар кўзга ташланади: бой-камбағал оила фарзандлари ўртасидаги муҳаббат, оммавий маданиятнинг энг ёрқин мисоли бўлмиш “ёрқин муҳаббат” учун кураш, ёмон ва яхши қайнона мавзуларининг фильмдан фильмга кўчиб юриши”.³ Қарийб барча сценарийларда маиший мавзу ёритилмоқда. Сценарий сюжетида бир ёки икки оила билан боғлиқ воқеалар асос қилиб олинади. Ўз-ўзидан эр-хотин муносабатлари, уларнинг мулоқотида алоҳида урғу берилади. Баъзи муаллифлар персонажларни таништириш билан боғлиқ тафсилотларга алоҳида тўхталишдан эринишади чоғи, эр-хотиннинг ташқи кўриниши, феъл-атворидаги қусурларни уларнинг диалогларига кўчириб қўя қолишади.

Лекин шунинг баробарида аъкидлаш жоизки, бугунги айрим киноларимиз, спектаклларимиз ўз олдига қўйган олий мақсадларини намоён қилолпти. Ёшлар онгига ижобий таъсир ўтказиб, ҳаётда ўз йўлини тўғри танлаши йўлида ёрдам беришга оид мавзуларни қамраб олапти. Бунинг учун изланиш олиб бораётган сахна ва экран иждоқорлари ҳиссаси улкан. Улар сафини кенгайтириш ва ўз зиммамиздаги вазифамизга ҳам бурч ҳам тарбиячи, йўлбошчи сифатида ёндашиш вазифамизга киради.

Мавзунинг долзарблиги.

³Ўзбекистон адабиёти ва санъати. № 37. 22.02.2013

Киносценарий драма жанрида бўлиб, инсонлар ўртасидаги олий туйғулар, асосан, биродарлик, яқинлар, қариндошлар ўртасидаги меҳр – муҳаббат муносабатлари ҳақида. Унда айниқса, кишиларга нисбатан оқибат, инсонийлик доирасидан чиқаётганлигимиз, атрофдагиларимизга бефарқ муносабатда бўлишимиз, ўйламай босилган нотўғри қадамларимиз оқибати нималарга олиб келиши турли воқеаларда ўз аксини топади. Шунинг баробарида сценарийда бахтсизликдан бахтгача борувчи йўл умид, ҳаракатда эканлиги ўз ифодасини топган.

Асарда ногирон болалар туғилишининг асл сабаблари, қариндошлар никоҳи оқибатлари, ҳаётини ёлғонга қурувчи кишиларнинг, ифвогарларнинг охир оқибат фош бўлиши, ичкиликнинг инсон учун келтирадиган зиёни, оиланинг мустаҳкамлигига асос бўлувчи асосий сабаблар нимада эканлиги каби саволларга жавоб топиш мумкин.

Бугунги кунда дунёда рўй бераётган жараёнлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Афсуски, айрим муаммолар бизни ҳам четлаб ўтган эмас. Булардан одам савдоси, ОИТС касаллиги, “Оммавий маданият”, зарарли иллатларга хуруж қўйиш, интернет тармоқларидан ноўрин фойдаланиш атрофимизда учраб турганини инкор этолмаймиз. Хўш биз бунга қандай муносабатда бўляпмиз. Қандай чоралар кўриш кўлимиздан келади. Бу ўйловли масала.

Маърифатли юрт ёшлари эртанинг порлоқ истиқболига хизмат қилиши, илм-фан чўққиларини забт этиши, бошқаларга намуна бўлиши лозим деган қарашга кўшилар эканмиз атрофдаги кўзи очик “кўр” ларни тўғри йўлга бошлаш вазифасини ҳам зиммамизга олишимиз керак. Уларнинг келажаги, тақдирига бефарқ, нафс кули бўлиб, ҳаётда мақсадсиз яшаши ўз тақдир билан бирга ватан олдидаги угуғ бурчига хиёнат қилиш билан баробар хатога йўл қўяётгани ачинарли ҳолат. Бу умумбашарий муаммолар ҳар замонда, ҳар қаерда рўй бериши мумкин. Бундай хавфни олдини олиш ва доимий курашиш биз каби халқни эргаштирувчи, улар онги ва қалбига йўл топувчи соҳа вакиллари бўлмиш ёзувчиларни эътиборидан четта қолиши мумкин эмас.

Табиийки, умумбашарий муаммолар ҳамиша долзарб масалага айланган. Уларни тилга олиш ва қаламга олиш бизнинг муҳим вазифамиз саналади. Инсон кўнглидаги эзгулик ватан ва халқ манфаатига хизмат қила олади. Ёвуз ўйлар, мақсадлар, фақат ўз манфаатини ўйлаш, бугун билан яшаш, келажак ҳақида қайғурмаслик фақат инсонни ўзинигина эмас, юрт тараққиётига ҳам

рахна солиши мумкин. Келажак бу - бизнинг эртамиз. Уни жисми соғлом, онги юксак, руҳи тетик фарзандлар камоли билан ўлчаш мумкин. Юртбошимиз ҳам бекорга фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли бўлсин демайди. Жорий ва ўтган йилларнинг номини, бу орқали уларга эътиборни кучайтириб бормоқда. Аммо биз учун арзимаган сабабларга кўра кўринсада, ёш авлоднинг жисмонан, ақлан ногирон туғилиши кўп кузатилаётган ҳолатга айланыпти.

Боланинг носоғлом туғилиши ота- онанинг Орттирилган Иммуни Танқислиги Синдромига чалиниши, хомиладор аёлнинг зарарли одатларга муккасидан кетиши, шу даврда бир нимадан қаттиқ қўрқиши натижасида ривожланаётган боланинг онгига зарар етиши, қариндошлар кикоҳи ҳолатлари, касаллик насл суриши сабаблари оқибатида ёш авлодда заифлик касалликлари пайдо бўлиши кузатилади. Натижада бундай носоғлом болалар илм олиш, ишлаш, ўзининг тенгдошлари сафига қўшилиш имконияти чекланишига, доимий қаровга муҳтожлик сезишига олиб келади. Уларга меҳр-мурувват кўрсатувчилар бисёр. Аммо жамиятдан айириб қўювчилар, камситувчилар ёки уларни давлат уйларига, қариндошларига топшириб меҳрсизларча кечиб кетувчилар, кам эмас. Қандай ҳолатда бўлмасин яқинларимиз тақдирига бефарқ қарашимиз, фақат ўзимизга фойдаси тегадиган инсонлар атрофида бўлишимиз хатомасмикан?

Ушбу малакавий битирув ишининг бошқа асарлардан фарқли жиҳати шундаки, кам қўл урилган мавзулардан бири бўлган ногиронлар ҳаёти, оилавий муҳити ёритилади. Асар замирида синглисини даволаётган, унинг соғайиши ва бахтини ўз бахти деб билган қизнинг тақдири ётади. Унинг атрофидаги аёлларнинг қизга қилган тухматлари, адашган қарашлари, ортиқча гап-сўзлари ноўринлиги очиб берилади.

Бу ҳаётда ҳамма бахтли бўлишга лойиқ. А. Қаҳҳор тили билан айтганда, “Бахтни бировнинг оstonасидан қидиришнинг ўзи бахтсизликнинг боши”⁴ шундай экан менимча, унга сабр, меҳнат билан эришилади. Шу ўринда асарда бахтга умид қилиб, алдамчи йўлларга кириб кетган аёллар тақдири ҳам ёритилади. Аммо тақдирлар уларнинг хатосини тузатишга бўлган ҳаракати туфайли бахтли якун топган.

Аксарият филмларда оилага вафо, матонат, бурч каби фазилатлар аёллар образи орқали ёритилади. Ижтимоий ҳаётнинг турли қатламларида ўз бахтини излаган, тинч-осуда ҳаёт учун курашган матонатли

⁴А.Қаҳҳор. Ҳикматлар шодаси, Т: Ўзбекистон, 2015, 7-бет.

замондошларимиз айнан аёллар образларида ўз ифодасини топаётгани еътиборга молик. Аммо айрим фильм ёки сценарийларда ўзбек аёллари учун ҳақорат бўлган воқеаларни кўрсатишга ҳаракат бўлмоқда. Ўзбек аёлларининг соҳта муҳаббат ортидан қувиб ҳатто норасида болаларини ташлаб кетиши, бевафолиги ҳақида, кўп йиллардан бери бошқасини севиб, у билан яширин яшаётгани ҳақида эри билан бамайлихотир, ўта хотиржам гаплашиши – болажон, вафодор аёлларимизга нисбатан ҳақоратдан бошқа нарса емас.

Ушбу малакавий битирув иши ўз мавзусидаги фильмларнинг ўрганилиб чиқиши ва жорий йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб, аталиши муносабати билан ёзилди.

Ўйлайманки, ушбу асар кўплаб адашганларнинг тўғри йўл танлашларига, кишиларда инсонпарварлик туйғуларини янада ўстиришга, эртанги ёруғ кунга ишонишга умид беришига сабаб бўлади. Яқинларга ғамхўрлик қилиш, атрофимиздаги воқеаларга бефарқ муносабатда бўлиш камайишига олиб келади. Зеро, шоир тили билан айтганда, “Инсонлар авайланг бир бирингизни, гул ҳам муҳаббат ҳам тирикка керак”.

Мавзунинг ўрганиш даражаси.

Бугунги кунга қадар ушбу мавзу яъни яқинларга меҳр-мурувват, мавзусига кўп бора қўл урилган. Ўз навбатида бундай фильмлар халқ кўнглидан жой олганига ҳам кўп бўлган:

Шухрат Қахҳор сценарийси асосидаги “Фарзандим”, “Фарзандим – 2” фильмлари, Мурод Муҳаммад Дўст сценарийси асосида суратга олинган “Кўргим келади” каби қатор фильмларда онанинг, боласига бўлган меҳри, унинг учун ҳамма нарсага тайёрилиги кўрсатилади.

Евгения Палехова сценарийси асосида суратга олинган “Мажруҳ” филмини кўрган инсонда ҳаётга қайта муҳаббат, кутилмаган мўжизагаишонч ёритилса, Баҳром Ёқубов, Евгения Палехова муаллифлиги остида экран юзига чиққан “Суғдиёна” да эса оёғи шол отасига қараб, ўз бахтидан отасини устун қўйган қиз ҳақидаги фильмлар каторига киради.

Ш.Ғиёсова ва А. Маҳкамнинг сценарийси асосида суратга олинган “Дада” филмида эса йўловчи аёлга яхшилик қилиш мақсадида унинг боласини ўз бўйнига олиши, ўз номига доғ тушсада, ишидан, обрўсидан кечиб, бегона боланинг тақдири ҳақида қайғурган спортчи йигит инсонийликнинг олий кўринишини намойиш қилади.

Феруза Эгамбердиева сценарийси асосида суратга олинган “Йиғламагин” фильми ака-сингил ўртасидаги соф меҳр намунаси сифатида кўринади. Бу фильмда инсон бир-бирига ғанимат ва жонимиз омонат эканлиги очиқ берилади.

Эркин Аъзам сценарийси асосида экран юзини кўрган “Забаржад” фильмини оладиган бўлсак, бош қаҳрамон характеридамалакавий битирув иши асари бош қаҳрамонига ўхшаш томонлар бор. Ҳар иккаласида қаҳрамон қиз инсонларга қаттиқ ишонмайди, доим ўз кучига таянади, ҳаётда ўзи танлаган йўлдан боради. Ҳаёт зарбаларига дош бера оладиган, қийинчиликларни енга оладиган қаҳрамон образида намоён бўлади.

Бундай иродаси мустаҳкам, ҳаёт қийинчиликларини мардонавор енгадиган қиз образи жаҳон адабиётининг ўлмас дурдоналарида кўплаб учрайди. Масалан, Рашод Нури Гунтекин қаламаиға мансуб “Чолиқуши” романини олсак, бош қаҳрамон олий туйғулари дилида жамланган, ўйинқароқ бўлса-да, андишали, мушкулотларга барбошли, ғурури баланд қиз сифатида китобхон меҳрини қозонган. Фериденинг бошидан кечирган оғир кунлари, шодон лаҳзалари шундай тасвирланадики, китобхон беихтиёр унинг бахтига ҳам, дардига ҳам бирдек шерик бўла олади. Ҳаётгийлик манзараси

ҳам ана шу ҳаққонийлик ва ҳаётнинг ранг-баранг манзараси орқали кишиларни ўзига эргаштиради, йўл кўрсатади.

Ушбу фильмлардамалакавий битирув ишидаги каби инсон учун бойликдан-да, улуғ неъматлар мавжудлиги, соғлиқнинг қадрига етиш кераклиги, заррача умиднинг ҳаётга бўлган муҳаббатни оширишига хизмат қилиши ғоялари сингдирилган.

Мақсад ва вазифалари. Асардан кўзланган мақсад:

- Инсонларни меҳр- муҳаббат туйғуларини унутиб қўймаслигини уқтириш;
- Ҳаётни ёлғонга қуриш бахтга етакламаслигини кўрсатиш;
- Сабр ва меҳнат орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкинлигига ишонтириш;
- Инсонларни тушқунлик ва умидсизликка тушиб қолишидан сақлаш;
- Соғлик катта бойлик эканлигини исботлаш;
- Атрофдаги инсонларнинг ҳаётини муҳофаза қилиб, ўзининг тақдирига беъэтибор бўлишнинг оқибатини кўрсатиш;
- Ҳаётда яхши кунларни қадрига етиш кераклиги, ойнанинг ўн беши ёруғ эканлигини исботлаш;
- Кишиларга саҳоват ва савоб қилиш барчамизнинг бурчимиз эканлигини уқтириш;
- Оиланинг мустаҳкамлиги учун ҳар икки томон бирдек масъул эканлигини кўрсатиш;
- Ҳаётда яхши кунлар ва яхши инсонлар кўплигини исботлаш;

Асарнинг композицияси.

Экспозиция – Асар воқеалари бош қаҳрамон қизнинг бир эркак билан барда ўтириши билан бошланади. Бардаги барча рақсга тушади. Қиз эса тушкун аҳволда.

Тугун – Мадина касалхонада операция хонасига кўз тикиб турганида наркаман, қариндош никоҳли, боласи дўхтирлар қўлидан тушиб кетган аёллар ундан боласи ногирон бўлгани ва сабабларини сўраганида жавоб ололмаганлиги.

*Воқеалар ривож*и – Қиз ҳар куни кўчага чиқиб, сумкасини тўлдириб қайтиши, орқасидан йигитлар юриши, уни сўраб маст эркакнинг келиб туриши.

Кульминация – Мадина касалхонадаги хонадошлари уни ҳар йўлларга кириб кетган эрсиз бола орттирганлигини гапириб ўтиришганида келиб қолади. Аёлларнинг тухматчи эканини, Зубайда хола неварасини даволатишни баҳона қилиб, бозорга келишини, Шаҳлонинг мақтайдиган эрининг йўқлигини, Гулсаранинг бахтсизлиги учун бошқаларни ҳаётини муҳокама қилиб таскин топишини исботлаши.

Ечим – Бош қаҳрамоннинг аёлларга Мубина қизи эмас, синглиси эканлигини, онаси уларни ташлаб кетганлиги, отаси ичкиликка берилиб кетган ўша маст эркак эканлигини, ўзи эса синглиси касалида ўзини айблаб яшашини айтиши.

Финал – Мадинанинг ҳарбий йигитга турмушга чиқиши, қиз кўриши, Мубинанинг тузалиб спорт олимпиядаларига қатнашиб юриши.

Асарнинг қисқача мазмуни.

Асар воқеалари барда бир эркак, Мадина ҳамда уларнинг олдидаги столда алкоголь ичимлик, тутаётган сигара ёнида ғамгин ўтириши билан бошланади. Кейинги эпизодда қизнинг касалхонада операция хонасига кўз тикиб ўтириши намоён бўлади. Қизнинг ёнида ўтирган аёллар ичкарида ногирон боласи операция бўлаётгани ҳамда Мадинанинг кўз тиккани қизи эканлиги ва уни ҳам шу ерда даволашганлиги ҳақидаги маълумот берилади.

Мадина операциядан чиққан Мубина исмли қизнинг операция тўлови пулларини ишлаш учун уни хонасидаги аёлларга бериб бозор ва кафелардан пул ишлагани тез-тез кетиши кузатилади. Аёллар уни боласига меҳрсиз аёл ва орқасидан йигитларни етаклатиб юрадиган қиз эканлигини гапиришади. Қизнинг касалхонадаги хонадош аёллари ҳар кечаси “Қовун кечаси” номи билан дам олиш хонасида йиғилишади. Касалхонада айрим мева ва қовун истеъмол қилиш таъқиқлангани боис, аёллар яширинча кечда йиғилишади. Шундай кунларнинг бирида Шахлонинг боласи бирдан бетоб бўлиб қолади. Бундан кеч хабар топган, Камоланинг хонасидан келган Шахло қизининг жабр кўришини кўриб, гап орқасидан кувиб, боласини эътиборсиз қолдиргани айби эканлигини тушуниб етади.

Мадина ишдан келганида аёлларнинг у ҳақидаги ножўя гапларини эшитиб қолади. Бу гапларга чидолмай барчасининг айбини юзига айтади. Зубайда холанинг неварасини шаҳарда даволатишини сабаби қизи бераётган пулларни бозорга соғуриш учунлиги, Шахлонинг эрини доим мактаса-да, эри йўқлиги, ҳар хил эркаклар кўргани келиши, Гулсара оиласидан нолиб, Шахло идеаллаштирган ҳаёлий оилага ҳавас қилишини фош қилади. Ўзи эса Мубинанинг Зубайда хола тили билан айтганда орттирган қизи эмас, синглиси эканлиги ҳақида гапириб беради. Мадинанинг ота-онаси ажралиш арафасида турганида, қизларини, пароканда оиласини, ичувчи эрини ташлаб кетганини сўзлаб беради. Мубинанинг олдида айбдорлиги ва болалигида онасини беҳосдан қўрқитиб қўйганидан бола шундай туғилганлигини айтади. Қиз доим ўзини айбдор сангани, ягона фарзанд бўлаганлиги учун онаси Мубинани олдириб ташламаслигига қарши чиққанини айтади.

Аёлларнинг Мадинага раҳми кедади. У оила қуриши кераклигини, бахтини топиши лозимлигини тушунтиришади. Қиз учун ягона синглисини даволатиши муҳим эди. Бозорда савдо қилаётган унга уйланмоқчи бўлган аммаси таклиф қилган қассоб йигит ёқмайди. Бундай йигитларни ногирон синглисини кўргач, оила қуришдан қўрқанини айтади. Янги оиладан кўра синглисини боласидек кўрсатиб, бундай гапдан узоқ юришга уринади.

Орадан вақт ўтади. Касалхонада турли эркаклардан қовун олиб турадиган Шахло чўпонга турмушга чиқиб, уйига қовун тарвуз кўтариб кетади.

Тоғда яшовчи хонадонларнинг бирида оиласига меҳрибон она сифатида Мадина ва энди соғайиб спорт билан шуғулланаётган Мубина кўринади. Мубина ўйинқароқ қиз бўлиб, жиянини ҳарбий поччасига ташлаб, дарсларини қилмасдан опасидан қочиб, болалар билан ўйнаб келишга кетаётганида кўча чангитиб кетиши билан тугайди.

Асар қаҳрамонларига характеристика. Асар қаҳрамонлари:

Мадина, Мубина, Зубайда хола, Гулсара, Шахло, Камола, Карим, Зиёда, Шифокор ва ҳамширалардан иборат.

Бош қаҳрамон Мадина - 19-20 ёшлардаги қиз. Мадина матонатли, шижоатли, дардини ичига ютадиган, вазмин сифатларга эга. У синглисининг касаллигида ўзини айбдор санаб яшайди.

Ушбу қаҳрамоннинг бош қаҳрамон қилиб олинishiга сабаб, унда сирлилик, матонат, мустаҳкам ирода, шижоат, ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қилиш каби хислатларга эга. Бундай қаҳрамон тақдири мисолида кишилар бошига тушган турли вазиятлардан тўғри йўл танлаб, чиқиб кета олиш ва томошабинни ўзига эргаштириш вазифаларини бажаради.

Мубина - Мадинанинг синглиси, 6-7 ёшларда. Туғма ногирон бўлганлиги учун жуссаси кичкина қиз. Асар давомида ҳеч қандай гапирмайди асар сўнгига келиб даволанишлари самараси билан соғайиб кетади. Унинг қувонч, дарди кўзидаги ифода ва йиғисидан билса бўлади.

Зубайда хола - 50-55 ёшлардаги аёл. Неварасини даволатиш ниятида шаҳардаги касалхонага келиб кетади. Кўпчиликнинг гапига қўшилади ва бозорга бориб, харид қилишни яхши кўрадиган аёл бўлганлиги учун невараси баҳонасида шаҳардаги касалхонага келади.

Зиёда - 4-5 ёшлардаги ногирон қизалоқ, Зубайда холанинг невараси. Асар давомида воқеаларга аралашмайди.

Гулсара - 30 ёшлардаги аёл. Боласи ногирон шу туфайли оиласи нотинч аёл. Ўзи бахтли бўлолмаганлиги учун бировларнинг ҳаётига аралашиб юради. Бировларнинг бахтсизлигини муҳокама қилиш эвазига қўнглига таскин бериб яшайдиган аёл.

Гулсаранинг асарга қаҳрамон қилиб олинishi бировларни гапириб юриб, ўз муаммоларини ҳал қилишга уринмайдиган, шахсий ҳаёти, эртаси ҳақида ўйламайдиган аёлларнинг охир оқибат шукроналикни унитиб қўйishi, ҳаётда панд ейishi мумкинлигини исботлашдир.

Карим - 6-7 ёшлардаги бола, Гулсаранинг ўғли, оёғи маймоқ.

Шахло - 29 ёшли аёл. Доим бахтлилигини, эрини идеаллигини гапириб юрадиган аёл. Асар охирида эри йўклиги аён бўлади ва чўпон йигитга турмушга чиқади. Бундай қаҳрамон орқали ёлғон бир куни фош бўлиши. Истакларга гапириб эмас ҳаракат қилиб эришиш мумкинлигини ифодалаш мумкин.

Ширинбека – Шахлонинг қизи. Ёши 2-3 ларда . Оёғи шоль.

Камола - 25 ёшдаги аёл. Боласи ногирон туғилганини севганига тегмай, қариндошига турмушга чиққани сабабли деб биладиган келинчак.

Ушбу қаҳрамон мисолида ҳамма бахтга эришишга ҳақли, аммо бахтсиз бўлиб қолишида ўзининг ўйламай қилган хатоси сабаб бўлиши воқеаларда кўрсатиб берилади.

Шифокор - 45-50 ёшлардаги сочига оқ оралаган, инсонпарвар ва саҳоватпеша эркак.

Асарда айнан шифокор образининг иштироки уларнинг инсонларга кўрсатадиган беминнат яхшиликлари, инсонлар олдидаги олий бурчларини адо этаётганликларини кўрсатиб беради.

Ишнинг тузилиши. Малакавий битирув ишининг умумий ҳажми эллик бетдан иборат бўлиб, ишнинг биринчи қисми асарнинг таҳлили ва иккинчи қисми асарнинг тўлиқ шаклидан иборат.

Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, дунёда пулга сотиб олиб бўлмас олий туйғулар борки, бу абадий мавзулар асрлар давомида яшаб келади. Улар ҳақида ёзилган кўплаб ижодкорларнинг ўлмас асарлари бугунги кунгача барҳаёт.

Инсонпарварлик, меҳр - оқибат барча туйғудан устун. Усиз инсон инсон бўлиб яшай олмаса керак. Бу туйғуларсиз ёрга бўлган севги, ота-она, болага бўлган муҳаббатни ҳам тасвирлаб бўлмайди. Унинг қиймати баланд. Унинг замирида инсонийлик, мурувват, самимият, куюнчаклик ётади. Қариндошчилик муносабатларини ҳам айнан меҳр - оқибат мустаҳкамлайди. Уни ифодалаш мушкул. Аммо унингдек азиз туйғу йўқ.

Меҳрли кишилардан ёмонлик кутиб бўлмайди. Айёрлик, кишиларга зиён етказиш каби иллатлардан ҳам узоқ юради. Аксинча, меҳрсиз кишилар қўлидан ёвузликнинг ҳар қандай кўринишини кутиш мумкин. Асарда бундай ёвуз салбий қаҳрамон бош қаҳрамон салбий образда кўринадиган бўлса кишилар онгига қаттиқ таъсир қилиши, кўнглида эзгулик, умид ёғдуларини барбод қилиши мумкин. Шунинг учун деярли барча асарда ижобий қаҳрамон бош ролда намоён бўлади ва у ўз мақсади сари барчани эзгу йўлга етаклайди.

Санъатнинг вазифаси ҳаётни бадиий тасвирлаш ва инсонни қалбидан зулматларни қувиб, ёруғликка олиб чиқишдир. Шундай экан қаҳрамоннинг қалбида олийжаноб хислат сифатида меҳр туйғусини жо қилиш образнинг ҳаққоний тасвирланишига ва томошабин эътиборини тортишига сабаб бўлади. Ушбу мавзу ҳаётнинг мазмуни экан ҳали бери унга мурожаат қилинаверади. Дунёни ҳайратга соладиган асарлар пайдо бўлаверади.

Мазкур малакавий битирув ишида ҳам бош қаҳрамон Мадина онаси ташлаб кетганида ҳам, отаси ичкиликка берилиб кетганида ҳам, қийналсада, ногирон синглисидан айрилмайди. Уни ногиронлик уйига топирмайди. Боланинг мажруҳтуғилишида ўзини айбдор санаб яшайди. Асар сўнгида синглиси соғайиб кетиши эса кишиларда умид пайдо қилади. Шунинг билан бош қаҳрамон Мадина билан севина бошлайди. Қизнинг оила қургани ва қизли бўлгани ёруғ кунларга сабр-матонат билан эришиш мумкинлигига ишонтиради.

Сўз сўнгида шуни таъкидлаш жоизки, дунёда ёмонликнинг номи ўчмаслиги мумкин, лекин яхшилик яшайди, яхши ном қолади. Ҳар қандай

ёвузликни яхшилик билан енгил керак. Қалбнинг тўрида эзгу туйғулар
хукмрон экан осуда ҳаёт давом этади.

Гулмеҳра Истамова

Ором соатларида

(Драма)

Тошкент 2016 – йил.

Қатнашувчилар:

Мадина - 19-20 ёшлардаги қиз.

Мубина - Мадинанинг синглиси, Ногирон, 6-7 ёшларда.

Зубайда хола – 50-55 ёшлардаги аёл.

Зиёда - Зубайда холанинг невараси. 4-5 ёшлардаги қизча.

Гулсара - 30 ёшлардаги аёл.

Карим - Гулсаранинг ўғли, оёғи маймоқ. 6-7 ёшлардаги бола.

Шахло - 29 ёшли аёл.

Ширинбека – Шахлонинг қизи. Оёғи шоль. 2-3 яшар қизалоқ.

Камола - 25 ёшдаги аёл.

Шифокор – Мубинанинг шифокори. 45-50 ёшлардаги эркак.

Маст одам – Мадинанинг отаси. 45-47 ёшлардаги озғин эркак.

Чўпон эркак – Шахлонинг эри. 40 ёшдаги гавдали, мўйловли эркак.

Ҳарбий йигит –Мадинанинг эри. 26-27 ёшларда.

Ҳамширалар ва бошқалар.

* * *

Ёз.

Тошкент.

Тунги барларнинг бири.

Мушиқа ва овозлар шовқини янграйди. Ёши 45-47 лардаги қиррабурун, озгин эркак диваннинг суянчиғига бош қўйгунча шифтга қараб ухляпти. Унинг ёнида чамаси 19-20 ёшлардаги қиз кўзини ердаги бир нуқтага қадаб ўтирибди. Қизнинг олдида ичимлик тўла стакан, арақ, каняк, кулдондаги сигарет тутаб қизнинг юзини тўсиб тургандек...

Зал марказида қизлар, йигитлар рақсга тушаётир. Турли рангли чироқлар ўйнаётганлар боши узра ялт-ялт жилва қилади.

* * *

Ногиронлар касалхонаси.

Операция хонасининг тўғрисидаги ўриндиқда бизга таниш қиз узун қора қўйлак кийган, сочлари сал тўзғиқ ҳолда ўтирибди. Қизнинг диққати нимадир билан бандлиги жиддий ва ғазабнок чехрасидан, қисик кўзларидан билиниб туради.

Қиз (Ўзига) – *Сен одаммасан. Сендан нафратланаман. Нафратланаман.*

Аёл (Овози)- *Биринчисими?*

Қиз сескангандек бўлади. Ёнидаги аёлга бурилиб қарайди.

Қиз- *А... Ҳм.*

Қиз қўлларини қовуштириб, куч билан сиқа бошлайди.

Қиз (Ўзига)- *Айбдорсан. Ҳаммаси сени деб...*

Аёл (Овози) - *Сизни балангизам ишундинми, кизим?*

Қиз- *Нима?*

Қиз аёл томон бурилади. Бошқа аёл. Кўзлари операция хонаси эшигига қадалган.

Қиз (паст овозда) – *Шундай.*

Улар олдидан ногиронлик аравасида бир бола ўтади. Қиз болани зимдан кузатади.

Боланинг орқасидан ҳамшира келади.

Ҳамшира- *Иззатжон, бу ерда юриш мумкин эмас. Ойинг излаяпти сени, бор, хонанга кир.*

Бола индамай аравасининг ғилдигагини қўли билан айлантриб ўтиб кетади кетади.

Қиз (ўзига)- *Бахтсизликсан. Кулфат. Бу дунёга ортиқчасан.*

Аёл – *Болангиз нимадан ногирон бўлган?*

Қиз кўзларини қаттиқ юмиб чуқур нафас олади. Қулоғига ичкаридан қиз боланинг йиғиси эшитилади. Ёнидаги ёшроқ аёл ўпкаланиб гапирди.

Аёл - *Меникини туғруқхонада дўхтирлар қўлидан тушириб юборган...*

Андак сукут.

Аёл – *Инсофсиз, шундай бўлди деб бир оғиз айтганида, вақтида даволатмасмидим? Етти йил худодан сўраган боламни етти ёшида операция тизига ташламасдан.*

Қиз кўзларини очади.

Кўнгил овози – *Ким, кимнинг овози бу? Мубина, инграётган сенмасми? Сени шу қўйга солганни кечирма.*

Аёл (овози)- *Яхшимисан қизим?*

Қиз бошини кўтариб қарайди. Ёнида рўмол боғлаб олган, 50-55 ёшлардаги аёл қалин қошини учириб қизга гапиряпти.

Аёл- *Хай манга қара бачам. Шунча вақт бўлди. Бу дўхтирла даррав чиқса бўмайдимми? Имиллаб ўтиргандир? Бугун тўртта операция бўлайкан.*

Қачан була чиқадию, қачан ман наварамни аҳволини биламан! Бачам, онаси-кў чақалогига қараб келмади. Алкаш киявим операцияга олиб келиш у ёғда турсин, бир сўмам бергани ёқ. Шу қариган чоғимда наварамни шу ерлага етаклаб юрибман.

Қиз- *Ассаломалекум!*

Аёл- *Хайрият, тилинг бор экан, келин. Индамаганингга соқовмикинсан дебман.*

Қиз- ...

Аёл- *Сеники қизми, ўғил?*

Қиз- *Қиз.*

Аёл- *Санам ёшлайин эрга теккандирсан-да. Мана, энди жабрини кўриб ўтирибсан. Э манам дадасига айтганман хай шу қизимизни даррав эрга беропсиз деб. Қанай қилай қўлимнан ҳеч нима кемади. Киявим онасига қўшилиб арзимаган нарсага кунда жанжал қилмаганида, қизим асабийлашмаган, наварам ногирон туғилмаган бўлармиди. Арақларини касофати гулдай бачамга урди. Манга қара, саниям эринг алкашми-а?*

Қиз юзини бошқа томонга буради. Қулоғига яна ёш боланинг ингрок овози эшитилади.

Қиз дераза ёнида ўсган танаси синиқ хонаки гулига қарайди. Операция хонасига ҳам ўша синиқ нигоҳ билан кўз ташлайди. Кимдир қизнинг қўлига туртади.

Аёл (овози) – *Мабодо сизда сизга сигара топилмайдими?*

Қиз гапираётган аёлга қарайди. Тор шим, қизил кофта кийган калта сочли ёш аёл қисик кўзлари билан қизга тикилиб турибди.

Қиз секин бош чайқайди - *Йўқ.*

Аёл - *Шунақа пайтда ёмон хумор қиляпти.*

Бир оз сукут.

Аёл атрофга қараб олади. Паст овозда гапиради

Аёл - *Сизамми?*

Қиз (лоқайд) – *Нима менамми?*

Аёл - Биринчи марта 17 ёшимда бошлаганман.

Аёл мийиғида кулиб қўяди. Қиз унга бепарво.

Аёл (енгини кўтариб, томирини силайди) - Бирам мааааза!

Аёлнинг уколдан қорайган тери ва томирлари кўринади.

Қиз ерга қарайди.

Аёл- Қачон бошлагансиз? Айтувуринг, ҳеч кимга айтмайман. Ҳар қанақасини кўрганман. Қийналётган бўлсангиз ёрдам берарман...

Каридорда оёқ товуши эшитилади. Оппоқ халатли ёш юзлари юмалок Ҳамшира қиз келади.

Ҳамшира (Ҳаммага)- *Нуралиев Бекзодни онаси ким?*

Аёл – *Мен.*

Ҳамшира - *Сизни хужжатлар бўйича дўхтир сўраяпти. Мен билан юринг.*

Аёл – *Ҳозир, (қизга) мен яна келаман.*

Қиз (Узига) - *Энди кеч. Аниқ кеч...*

* * *

Туш пайти.

Касалхона бўлмаси.

Қиз шифтга қараб, каравотда ётибди. Хонада тўрт каравот, иккитасида она бола, бирида 55 ёшлар чамаси аёл қиз невараси билан ухлаб қолган.

Қизнинг қулоғига бола инграши чалинади. Қиз ўрнидан туради. Операция хонасига боради. Операция хонасининг қўнғироқ тугмасини босади. Доктор чиқади.

Доктор- *Нима гап?*

Қиз- *Толибова Мубина яхшими?*

Доктор- *Яхши, ухлаяпти.*

Қиз- *Ким инграяпти?*

Доктор- *Болалардан бири.*

Қиз- *Она Мубина бунақа пайтда чанқаб турарди. Кириб сув берсам майлими?*

Доктор- *Йўқ, бу ерга киришингиз мумкинмас, ойиси. Ўзимиз сув ичирамиз. Сиз дам олаверинг.*

Ҳамшира эшикни ёпади. Қиз қайтади. Дам олиш хонасидан ўтаётганида. Хонадош аёлни бир эркак билан ўриндиқда гаплашаётганини эшитиб девор олдида тўхтади.

Эркак (овози) – *Ҳаммаси сени деб бўлди. Операцияси ҳам кор қилмаса болани олиб туғунингни йиғиб боланг билан кетавер.*

Аёл- *Мени нима айбим бор ахир. Ўзиз қадамингизни тўғри босганизда касофатингиз боламга урмасмиди.*

Эркак- *Ақл ўргатма менга. Онамга ўзингни кўрсатиб менга тегвомаганингда, севганимга уйланиб қадамимни ҳам қандай босишни ўзим билардим.*

Аёл- *Мен ўзимни суқибманми? Аммам қўярда қўймай нон синдриб кетишидан олдин қаёқда эдингиз. Акамга тегаман деб мен айтибманми?*

Эркак- *Сени бунақа фарзанд кўришингни туш кўрибманми. Мени битта соғлом ўғилли қилолмадинг.*

Аёл- *Ҳамма айб менда экан майли. Яна мени қийнаш учун келдингизми? Сабрим ҳам тамом бўлди.*

Эркак- *Билганингни қил.*

Аёл- *Зардаларингиз, хиёнатингиз жонимга тегди. Шу ерга келиб жанжаллашини шартмиди*

Эркак- *Бундан кейин мени кўргани келмайди деб, ойимга чақиб берма. Болани сен операция қилдирдингми ўзгариш бўлмаса, ўзингдан кўр. Нуқул югуртириб пул сарлайсан.*

Ҳамшира келади.

Ҳамшира- *Нима шовқин? Ташқарига чиқинг! Бу ерда овоз кўтариш мумкинмас! Болалар ором оляпти.*

Эркак чиқиб кетади.

Қиз хонага киради. Орқасидан аёл киради. Аёл каравотда ётган боласи ёнига ўтиради. Овозсиз йиғлайди. Кўзидан ёш томади.

Қиз аёлга зимдан қарайди. Невараси билан ётган Зубайда хола, 2-3 яшар қизалоқни кучоқлаб ётган Шахло уйғониб кетади.

Зубайда хола - *Гулсара, яна отаси келдими. Буноқа сени эрингдай еркакни кўрмаганман. Шунақаям бераҳм инсон бўладими. Эй менинг куёвим тилла экан бунинг олдида. Йиғлама, арзимаёди унинг.*

Гулсара - *Нима қилай, Зубайда хола? Оиламни сақлаб қолишим қийин бўляпти. Нима айбим бор? Аммам тинч қўймай келин қилган бўлса. Эрим нуқул юзимга солади.*

Шахло - *Менинг эрим, мени ер-у кўкка ишонмайдия. Сизники масъулиятсиз экан, ҳеч бўлмаса болангизни ўйласин. Инсофсиз одам экан.*

Қиз зимдан аёлга тикилади. Аёл қизга қовоқ ўйиб қараб қўяди.

Зубайда хола - *Шу пайтгача бу ердаги мен кўрган касалларни тўқсан фоизи қариндош никоҳ бўлган. Сен ҳам қариндошингга тегмаганингда соғлом бола кўрармидинг.*

Гулсара - *Билиб билмай адашдим. Менинг ҳаётимда бунақа бўлишини кутмагандим. Энди боламга нима бўлади? Эрим кетаман десам, пинагини бузмади-я.*

Зубайда хола - *Ҳали ҳаммаси ўрнига тушиб кетади. Пешонангда борини кўрасан қизим. Сиқилма, боланг тузалиб кетсин, мен шу неварамга куёв қиламан.*

Хонада кулгу овози кўтарилади.

* * *

Тонг.

Тошкент кўчалари.

Қаҳрамон қизимиз шим, кофта кийган. Елкасига кичкина сумка илдириб олган. Бир неча ресторанларга кириб чиқади.

* * *

Касалхона.

Кеч тушган.

Ҳамшира (овози) – *Ҳамма ухласин “одбой”*

Мадинанинг хонаси. Хонага катта деразадан ой нури тушиб туради.

Бизнинг қаҳрамон қизимиз Мадина икки оёғи гипс қилинган 6-7 ёшлар чамаси лекин жуссаси кичкина қизга сув ичиради. Мубина қиздан кўз узмай караб ётади. Мадина Мубинага алла айтиб ухлатади.

Шаҳло секин туриб каравотининги тагидан қовунни олар экан ухлаб қолган Гулсара билан Майсара холани туртади.

Шаҳло –*Туринглар, гап бор.*

Зубайда хола - *Тинчликми?*

Гулсара - *Нима гап?*

Шаҳло -*Сиз ҳам туринг Мадина.*

Аёлларга кулиб гап бошлайди

Шаҳло - *Эрим қовун олиб келган эдилар. Бир гурунглашиб қовун ейлик дедим-да.*

Гулсара -*кундузги гурунглари каммиди. ухламайсизларми*

Зубайда хола - *Қуда, ширин қовун билан ширин гурунг бўлади турақолинг энди.*

Шаҳло қовунни сўяди. Стол атрофига йиғиладилар.

Зубайда хола – *Мадина, сен ҳам кел.*

Мадина - *Раҳмат бемалол ўтираверинглар. Ёғим келмапти.*

Гулсара – *Шаҳлохон, эрингиз қачон келиб кетдилар?*

Шаҳло - *Сиз болангизни массажга олиб тушган пайтингизда. Кундузи қовунни сўймоқчи бўлдим, касалхонада қовун ейишга рухсат йўқ экан. Шунга кеч тушишини пойладим.*

Зубайда хола - *Ҳа эрингиз барака топсин-а, ширин қовун экан.*

Гулсара - *Нуқул эрим олиб келди деб, ширинликлар улашиб юрасиз. Эрингиз ҳар куни кўргани келаркан. Мени эрим шунча келиб кетсамам орқамдан йўқлаб келмайди. 10 кунда бир келиб захрини сочиб кетди.*

Зубайда хола - *Шаҳлохон яна қовундан сўйинг.*

Шаҳло қовунни сўйиб тарелкага солади.

Шаҳло –*Олинглар, мен айтсам, ертага яна олиб келадилар. Вой менинг эрим тилла. Доим кўнглимга қарайдилар. Бирор марта жанжаллашиб қолмаганмиз. Бозорга кириб, мен танлаган кўйлакми, тақинчоқ барини олиб берадилар. Кўнглимга қарайдилар. Биз айланишга бормаган тоғ ҳам бог ҳам қолмаган. Нима десам муҳайё қиладилар.*

Зубайда хола - *Топармондир-да эринг. Ишини баракасини берсин*

Шаҳло –*Ҳа, катта заводнинг директори. Қўлида анча ишчи бор.*

* * *

Туш пайти.

Касалхона.

Мадинанинг хонаси. Гулсара ойнадан пастга қарайди. Ласетти мошинасининг эшигини қия очган бир эркак Мадинага қараб туради. Қиз ундан олдинроқда касалхона эшиги олдига келади. Аёллар гаплашиб ўтирибди. Уларнинг олдига кўшни хонадаги Камола келган. Кароватда болалар ухлайди. Мубина ҳам ухлаб ётади. Мадина қўлида бозорлик пакетларини тўлдириб эшикдан кириб келди.

Мадина – *Ассаломалейкум!*

Гулсара - *Яхшимисиз?*

Шаҳло - *Яхши келдизими Мадинахон?*

Мадина пакетлардаги егуликларни жойлаштиради. Мубинага қараб кўяди. Қўлига сочиқни илдириб, хонадан чиқади. Шаҳлонинг телефонига смс келади. Ухлаётган боласи юмаламаслиги учун орқасига ёстиқ кўйиб, телефонини олиб эшикдан чиқди.

Шахло – *Мадина ҳаммамиздан ёш. Ўйнаб куладиган пайти. Лекин доим қовоғидан қор ёғади. На гапга қўшилади, на бундан савол сўраб, гап олса бўлади?*

Гулсара - *Айтманг, ўзи билан ўзи овора. Боласидан бошқа дарди йўқ. Эр дегани мундоқ йўқлаб келганини кўрдингизми? Меникидан баттарми дейман.*

Зубайда хола - *Шу қиз ё эри билан ажрашган, ё никоҳсиз бола кўрганми дейман-да. Қадам ташлаши бежсо. Қачон қарама қаёққадир боради. Қайтишда қўлида пакетлар билан тўлиб тошиб қайтади.*

Камола - *Йўғ-е, яхши қизга ўхшийди-ю.*

Гулсара - *Гумон имондан айираи-ю, лекин менимча,ким биландир алоқаси бор.*

Камола - *Йўғе, боласи учун операция пули ҳали тўланмаган. Унақа таниши бўлса, тўловини шу пайтгача эполмасмиди?*

Зубайда хола – *Шуни ундириш учун юргандир-да, сиз ниманиям билардингиз педагог.*

Гулсара - *Соддасизлар-даКамолахон. Шахлохон ҳам сизнинг бирингиз. Кўз олдида бўлаётган ишларни ҳам айтиб турмаса, билмайдиям.*

Мадина келади. Сочигини кароватга илиб қўяди.

Мадина (Аёлларга қаради) - *КелгунимчаМубина уйгонмадими?*

Зубайда хола - *Йўқ, қизим бачанг ҳам созгина. Шунча кетсанг ҳам индамай ётди.*

Гулсара - *Биз битта болани эполмай ўтирибмиз. Сиз бўлса қанча ишингизни битқизиб келяпсиз-а?*

Мадина - *Ҳм.*

Гулсара Камолага қош учириб қўяди.

* * *

Кеч тушган.

Ҳамширанинг овози – *Ҳамма ухласин “одбой”*

Гулсара Зубайда хола, Шахлони туртади.

Зудбайда хола- Яна қавун кечаси бошланними?

Зубайда хола туриб, бошига рўмолини ўрайди. Гулсара катта қора пакетдан тарвуз олади. Гулсаранинг мошина ўйнаб ўтирган ўғли ўрнидан туради. Шахло ўғлини устини ёпиб секин туради.

Гулсара – *Тарвуз кечаси бошланни.*

Шахло (*Қўлини лабига босади*) - *Пастроқ гапиринг болам уйғонади.*

Гулсара - *Мадина чарчаб ухлаб қолибди. Уйғотсак ҳам турмайди. Шахлохонни боласини ҳам уйғотиб юборишимиз мумкин. Дам олиш хонасига чиқсакчи?*

Шахло - *Яхши бўларди!*

Зубайда хола - *Ҳамишралар қўймайдикў, қуда.*

Гулсара туриб эшикдан ташқаридаги залга мўралайди.

Гулсара – *Ҳой қизлар, зал бўм-бўш. Навбатчи ухлаб қолган. Уйғонгунича қайтамиз.*

Зубайда хола - *Кетдик.*

* * *

Касалхона

Дам олиш хонаси.

Чироқ ўчиқ бўлса ҳам хона ёруғ. Деворда телевизр илинган. Катта дераза ойнасидан баланд дарахлар шоҳлари кўриниб турибди. Ой нури пол устига тўшалган гиламга тушиб турибди.

Аёллар гилам устига кўрпача тўшаб, ўтириб олишган. Тарелкага тарвуз сўйиб қўйишган. Залда паст овозда болалар йиғиси эшитилиб турибди.

Шахло – *Мадинани чақирмаганимизга хафа бўлмасмикан?*

Гулсара – *Нимасига хафа бўлади. У бизнинг даврага ўзи қўшилмаяпти. Уни бизга қўшилишга арзийдиган хонадош деб бўлармикан ўзи?*

Зубайда хола - *Ёш бўлса ҳам кўпни кўрган. Ўзига пишиқ. Гапирмайдиям. Тилини қанча ковлаб кўрдим. Бўлмади. Камида эр кўрмай бола кўрган*

Гулсара - *Шарманда.*

Зал томондан 25 ёшлардаги чиройли, озғин келинчак келади.

Камола - *Опалар ухмайсизларми? Кундузи гурунглашганларингиз камми? Овозланингиздан уйқум қочиб кетди.*

Гулсара- *Кундузи кўча кезиб, таниш орттириб юрганларданмисиз. Кеч тушиши билан уйқуни эслайсиз.*

Камола - *Мадинани айтяпсизми?*

Шахло – *Сиз ҳам биласизми? Аёл бўлмай кетсин-е*

* * *

Туш пайти.

Касалхона ҳовлиси. Ҳовлида узун йўлак. Йўлак атрофи турли мевали дарахтлар билан ўралган. Ўриндиклар ўрнатилган. Ҳовли марказида болалар ўйингоҳи майдончаси жойлашган.

Ҳовлидаги ўриндикда Камола Ногиронлик аравасида ўтирган Мубинага қараб ўтирибди. Ўзининг 4-5 ёшлардаги ўғли оқсоқланиб ўзи тенги болалар билан майдончада ўйнайди. Болалар томонга қарайди.

Камола - *Исломжон югурма.*

Мадина кўлида қора пакет кўтариб келади.

Мадина – *Камола опа яхши ўтирибсизми. Мубина қийнаб қўймадим.*

Камола - *Йўқ болангиз индамасгина қийналмадим. Муҳим ишларим бор дегандингиз битқизиб келдингизми?*

Мадина - *Ҳа, битди.*

Мубина Мадинага қараб кулади беўхшов, шўхчан овоз чиқаради.

Мадина - *Мубина яхши қиз бўлиб ўтирдингми? Мен сенга кўп нарса олиб келдим. Келчи менга.*

Мубина кулади. Мадина Мубинанинг кўлига қизил олма беради. Мубина ололмайди. Олмани Мубинанинг ёнига қўяди. Мубина жилмаяди.

Касалхона дарвозаси олдида биринчи эпизодда кўринган бардаги эркак Мадинага қараб келади.

Мадина - *Камола она, Мубинага қараб туринг. Ҳозир келаман.*

Камола- *Майли, тезроқ келинг!*

Камола дарахт ёнида турган Мадина ва эркакни кузатади. Мадина эркакнинг олдида боради. Эркак қизнинг юзидан ўпади. Бир нимани кулиб гапиради. Қиз асабийлашади, йиғлайди. Ортига қайтади. Эркак қизга тикилиб туради-да, дарвозадан чиқиб кетади. Мадина Мубинани аравачасини судраб, ичкарига кириб кетади.

* * *

Касалхона.

Кеч тушган.

Мадинанинг хонаси. Болалар ухлаган.

Шахло секин туриб кароватнинг тагидан ҳандалак олади

Шахло – *Келинлар-у, туринг “Падём”*

Гулсара - *Нима бўлди?*

Зубайда хола - *Навбатдаги қовун кечаси бошланди.*

Гулсара - *Қаерда*

Шахло - *Камоланинг хонасида. Бўлинг.*

Гулсара - *Дам олиш хонасига борайлик.*

Зайнаб хола - *Навбатчи ҳамширалар жойида ўтирибди. Касалхонага қовун тарвуз келаятганини эшитса, ёмон бўлади*

Ён хонага секин киришади. Камола дераза олдида ташқарига қараб ўтиради.

Шахло - *Бизни кутяпсизми*

Гавҳар – *Яхшимисизлар? Уйқум келмаётган эди. Болам энди тинчиб ухлади.*

Мубина – *Тарелка билан пичоқ олинг.*

Камола - *Қовун олдингизларми?*

Шахло - *Қовун баҳона дийдор ганимат.*

Стол қаршисида ўтириб, қовунни сўйишади.

Гулсара - *Шахлохонни ҳар куни эрлари йўқламаса шунақа йигилиб турурмидик*

Шахло – *Камолахон бугун бошқача кўринасиз.*

Камола - *Бугун галати воқеа содир бўлди.*

Гулсара – *Мана, шундан гапирингчи.*

Камола - *Бир пайтлар турмуш қуришимдан олдин ошигим кўп бўларди. Ҳеч бирига қайрилиб қарамасдим. Бир йигит ортимдан беи йил гапириб юрди.*

Гулсара – *кейинчи?*

Камола- *яҳши йигит эди. Кўнглим ҳам тушгандай бўлувди. Даста – даста гулларини қўлимга тутиб кетарди. Аммо бир куни ҳеч нима демай ҳарбий хизматга кетиб қолди.*

Шахло – *буёғи ҳижронми?*

Камола – *бундан кўра ҳижрон яҳши. Шу кунларнинг бирида холам ўғлига мени сўраб, совчи бўлиб келди. Яҳши кўрган холамга келин бўлсам, ҳаётда ҳеч қийналмайман деб, холаваччамга турмушга чиқдим. Эшитишимча, йигит анчадан кейин ҳарбий хизматдан келибди. Менга жаҳл қилибми, холасининг қизига уйланибди деб, эшитдим. Йигитни шунча йилдан буён бугун касалхона зинасида кўриб қолдим.*

Шахло - *Шу ердами?*

Камола - *Ҳа, акаси билан ўтиб кетаётган экан. Аввалига бир биримизни танимадик. У анча ўзгариб кетибди. Акаси мени таниб саломлашди.ундан нега келганларини сўрадим. Укамнинг қизи ногирон бўлиб тугилди. Даволатишга келдик келинимиз тепада фалонча хонада ёлғизлатиб қўймасиз деди.*

Гулсара - *Йигит бирор нима дедими?*

Камола - *Йўқ, у ҳам мени кўриб ҳайрон бўлгандир. Аммо мен улар кетиши билан акаси айтган хонага чиқишга ошиқдим. Қанақа қизга уйлангани кўргим келди. Аёли билан гаплашиб кўрмоқчи бўлдим.*

Зубайда хола - *Уни кўрдингизми?*

Камола - *Ҳа, хонасига бордим, кўрдим гаплашолмадим. У ерда бир норасида гўдак томоғи бўғилиб йиғларди. Оперитсия қилишган шелилли. Уни эмизишга уринаётган аёлнинг ҳам йиғидан қизарган кўзлари бирдан менга тушди. Юрагим эзилиб кетди. Ортимга қайтдим...*

Зубайда хола – *Сен у йигитни танлаганингда на сенининг на унинг норасидалари ногирон туғилмасмиди. Иккалангиз ҳам қариндош билан оила қуриш оқибатларини нега ўйламадинг?*

Камола- *Мен эримни севаман*

Зубайда хола – *У йигитга турмушга чиққанингда бунданда соғлом бахтли оила бекаси бўлармидинг. Ахир йигитда озгина кўнглингиз бордирки, унинг хотинини кўришга қизиққансан.*

Камола – *Билмадим. Балки, ёшлик қилдимми.*

Гулсара - *Оила қуриш бир ёшларнинг бахтингина учун эмас, болалар бахтини, келажагини ўйлаш билан боғлиқ экан.*

Камола – *Шундай, аммо ҳаммада ҳам бундай бўлади деб ўйламган эдим*

Гулсара – *Ҳа, инсон қачон бошига нима тушишини билмай қоларкан. Аммо у қачон содир бўлсаям айб ўзимизда.*

Шаҳло - *Болам йиғлаяпти. Мен борай. Эртагача Камолахон.*

Камола - *Яхши дам олинг!*

Шаҳло чиқиб кетади.

Зубайда хола - *У аёлни ёнига бошқа бормагин. Ўтмишингни билиб қолса, баттар куяди.*

Гулсара – *Ҳа, шуниси маъқул.*

Камола ўйланиб қолади.

* * *

Мадинанинг хонаси.

Мадина, Мубина, Карим, ўрнидан турган.

Шахло йиғлаётган боласини овутади. Унинг тепасида ўрта ёшлардаги дўхтир аёл Шахлонинг қизига укол қилади.

Дўхтир - *Ҳозир тинчланади. Болани эмизадиган аёлсиз нега нима еганингизни билмайсиз. Бола касал. Бу ерга битта дарднгизни камайтириш учун келганингизда бошқасини орттириб кетишингизга сал қолди. Болани эҳтиётлаш керак.*

Шахло - *Тузалиб кетадимми?*

Хонага Гулсара билан Зубайда хола кириб келади.

Зубайда хола - *(Хавотирли қиёфада) Нима бўлди?*

Дўхтир - *кеч бўлганида сизлар қаерда юрибсиз.*

Гулсара - *шу ерда эдик. Тинчликми?*

Дўхтир - *ана ойиси қизини касал қилиб қўйибди. Ё қовун тарвуз ёки таъқиқлаган нарсалардан егандир-да. Бола оғриб қолибди. Нега болаларингизга бефарқ қарайсиз. Хонага мен келганимдан кейин ойиси югуриб келяпти*

Бола инграйди. Зубайда хола билан Гулсара бир бирларига қараб қоладилар.

Шахло - *ўзим эътиборсизлик қилдим.*

Дўхтир - *болани ўзим назорат қиламан. Қани сиз ҳам болаларингизни ухлатинг.*

* * *

Мадина қиройли бичимдаги кўйлак кийган, сочини ёйиб олган елкасига сумкасини илиб Бардан чиқади. Орқасидан бир йигит мошинасини секин ҳайдаб юради. Қиз қадамини тезлатади. Яқинроқдаги бозор ичига кириб кетади. Йигит мошинадан тушиб Мадинанинг орқасидан бозорга кириб кетади. Бироздан кейин бозордан кўлида пакет билан бир ўзи чикиб кетади.

* * *

Касалхона.

Намозшом пайти.

Зубайда хола, Гулсара касалхона ҳовлисидаги ўриндикқа ўтириб атрофларида бир қанча хотинларга гапиришади. Ҳовлида дарахтлар орасида кўли, бўйни гипсли, белида карсет кийган турли ёшдаги болалар ўйнаб юришибди.

Зубайда хола - *ишонмагандим лекин кўзим билан кўрдим бозорлик қилиб юрсам, арқасидан биттасини уёлмай элакиштириб юрибди.*

Аёллардан бири - *она ҳар ким ўзини иши учун ўзи жавоб беради. Орқасидан юрди дегани уни ёмон деганимас-ку. Боласига ҳам эплаб қараётган бўлса. Даволашга олиб келган неварангизга қарасангиз бўлмайдимми, нуқул хонангизда ўтиради. Бирор марта у билан шуғулланган, парвариши қилганингизни билмаймиз.*

Гулсара - *ҳай ҳай ҳеч бўлмаса ёшларини ҳурмат қилинг.*

Аёл - *тил ҳаммада бор. Ҳамма гапни гапириб бўлмайди.*

Зубайда хола - *мен бирор нима дедимми? Ҳеч нима демадим-ку. Мана шунча гувоҳ*

Аёллар ҳовлида маст (1-Эпизоддаги нотаниш) эркак билан асабийлашиб гаплашаётган Мадинани кўришади.

Аёллар бир бирига қараб қўяди.

* * *

Касалхона.

Шаҳло қизини юурғизади.

Мадина Мубинани массаж қилади. Қўлидан ушаб дафтарга расм чиздиради. Зубайда хола кузатиб туради.

Ёш чиройли ҳамшира оқ халатда, уколлари билан киради. Шаҳлонинг олдида боради.

Ҳамшира – *Яхшимисизлар?*

Зубайда хола – *Келинг, Ойдин қизим. Уколнинг вақти бўлибди-да.*

Ҳамшира – (Шаҳлога)*Ойиси қизингизни ётқизинг укол вақти бўлди.*

Шаҳло – *Ҳозир тайёр бўламизда*

Ҳамшира - (Мадинага) *Сиз ойиси операцияни тўловини тўладингизми?*

Мадина - *Бугун тўлайман.*

Ҳамшира - *Бола яхши. Тўловни тўласангиз бемалол кетишингиз мумкин.*

Мадина – *Ҳўп.*

Ҳамшира - *Хола сизнинг ҳам неварангизга утқазиб кетай. Уни таёрланг.*

Зубайда хола - *Манада (Қизча йиғлайди. Ҳамшира уколни ўтқазади)*

Ҳамшира - *Мана тугади.*

Зубайда хола – *Қизим бирам қўлингиз енгилей. Ўзим сизни жиянимга келин қиламан. Қишлоқда кенг ҳовлиларда маза қилиб яшаб юрасиз.*

Аёллар кулишади.

Ҳамшира – *Ўтган куни ҳам айтдингиз. Жиянингиз мендан кичкина хола. Мени ўзимни танлаганим бор. Яхши ўтиринг*

Ҳамшира чиқиб кетади. Хонада яна кулгу овози янграйди.

Зубайда хола (рўмолини тўғирлайди) - *Ҳа нима, ёмон гап айтдимми? Бу ёшлар.*

Шаҳло- *Хола, гапниям олсиз-а.*

Зубайда хола – *Сизларга бир гап айтиб бўлмай қолибди. Қизлар неварамга қараб туринг. Мен бозорга бориб келай.*

Шаҳло - *Нима олсиз?*

Зубайда хола - *Ҳар сафар келганимда кўйлак, рўмол олиб кетаман. Бу ота онасига кераксиз неварамга қараб сиқилиб ўтиргунимча, бозор айланиб келсам кўнглим очилади.*

Шаҳло Гулсарага ҳайрон қиёфада маъноли қараб қўяди.

* * *

Олой бозори.

Қиз расталар аро юриб боради. Бир гавдали чиройли мева сотувчи аёл ёнига боради. Сотувчи аёл билан гаплашади. Қизнинг олдида сотувчилар

фартугини таққан қорачадан келган гавдали бир йигит келади. Йигит қизга гапираркан ёнидан ўтаётган қизларга бошдан оёқ қарайди.

* * *

Касалхона.

Туш пайти.

Мадина хонасига келади. Яқинлашиб очишга уринмасидан ичкаридан гап-сўзларни эшитиб, эшик олдида қотиб қолади.

Ичкаридан овозлар келади.

Гулсара - *Мадинахон шунча бизнес қиладилар боланиям пақиргинаси тушганда гинг этмай ўйнаб ўтиради ёки ухлайди.*

Шахло- *бу қизни бунчаликка боради деб, ўйламаган эдим.*

Мубина ўйинчоғини ўйнарган йиғлай бошлайди.

Гулсара - *Ҳозир бунақалар кўпайиб кетган. Ўзини пуллаб нон топишади. Шу луқмадан боласига ҳам едиради. Унинг гуноҳлари беғуноҳ гўдакка урган. Одам шунчалик ифлосликка бориши мумкинми?*

Зубайда хола – *бир неча бор бир алкаш катта ёшли эркак ёнига келиб кетди. Бу қиз кимни эрини бошини айлантириб юради экан-а?*

Мадина шахт билан хонага киради. Мубинанинг ёнига юриб келади. Аёлларга кўз остида аламзада қарайди. Мубинани кучоқлайди. Кўзида унсиз ёш айланади.

Мадина - *Бунинг охири бордир. Қачонгача мени гапирасиз.?*

Зубайда хола - *Қадамингни ўйлаб бос! Бизга зарда қилгунингча ўзингни йиғиштириб ол. Кун бўйи қердан келяпсан қаёққа кетяпсан нима ишлар қилиб юрибсан худо билади.*

Мадина – *Гапирманг, бола йиғлаяпти.*

Зубайда хола- *Қаердан орттирган отасиз боланг йиғласа, мени койийсанми? Аслида сендек боласига ҳаром луқма берадиган онага шу бола ҳам ҳайф.*

Мадина – *Ким мени бировдан орттирган болага қараяпти деди? Ким болага ҳаром луқма едиряпти деди?*

Зубайда хола – *қаерга бориб нима ишлар қилиб келишингни ким билади? Болага меҳринг бўлганида бизга ўхшаб қарардинг. Ёнида бўлардинг тун-у, кун.*

Мадина – *Неварасига меҳрибон холажсон сизнинг неварангиз аллақачон тузалиши керак эди. Уни ҳаракатлантирмайсиз. Семириб кетмасин деб кам овқат берасиз. Оғзингизга тикилади. Шуми ўзингиз таърифлаган меҳрингиз?*

Зубайда хола – *болани ўйламас эканман унда нега даволатгани олиб келаётган эканман? Ўйлаб гапир қизим.*

Мадина - *Бу ерга бола учун эмас, қизингизни касалхона учун берган пулларини бозорга совуриш учун келгансиз. Болани қийнаб нима қиласиз?*

Гулсара – *Оғзигга қараб гапир. Сендек хонадош билан яшаб ҳамманинг олдида уятда қолдик.*

Мадина - *Мен нима қилдим сизга?*

Гулсара- *Сен шу ерда экансан эрларимизни ҳам йўлатмаймиз. Кўзингни сузиб қўйсанг, эрсиз қолиб кетмайлик тагин.*

Мадина – *Бу нима деганингиз. Кимнинг эрига қарабман?*

Гулсара – *айтиб бўладими?*

Мадина - *Ўзингизни дардингиз ўзингизга етарди. Нега бировларга туҳмат қиляпсиз? Йўқ сиз ўйламай қилган ишингиз, бузилаётган турмушингиз сабаб бошқаларни ҳам ҳаётини қоралигини исботлашга уринаяпсиз. Бу сизга таскин бўляпти.*

Гулсара – *Ҳа, бахтсизман. (Бир оз сукут) Нимадир билан ўзимни овутиб яшашим керак-ку. Менга ҳам Шаҳлонинг эридек, оилапарвар, меҳрибон эр учраганида, бировнинг ҳаётига аралашишга вақтим бўлмасди.*

Мадина – *Кимга ҳавас қиляпсиз? Шаҳло опанинг қайси эрига ҳавас қиляпсиз. Борини қадрига етинг. Бу бир кам дунё.*

Шахло(Жаҳл қилади) – *Ҳа, одамни юзига қараб баҳо бериб бўлмас экан? Бунақа фелингиз ҳам бормиди. Энди менга ётишдингизми? Нечта эрим бор экан?*

Мадина – *Тан олинг. Фариштамасдирсиз?*

Шахло – *Индамаса, ўз қилмишларингизни менинг бўйнимга қўйяпсиз. Одамга қўшилишни билмайсиз. шу қўполлигингиз учун орамизга ҳам қўшилолмаёпсиз.*

Мадина - *(Шахлога бошини буради) Ором соатларидаги қовункечаларингиздами? Сиз гурунгда сўяётган қовун, дастурхонга қўяётган нарсаларингизга нега яқинлашмаётганимни биласизми? Ҳаммасини ҳар хил мошиналик эркалар олиб келиб, касалхона орқасида кўришаётганлигингизни билиб бўлганман.*

Шахло - *Бу тухмат! Тилингиз бир қарич эканку сизни. Оғзингизга келганини гапираверасизми? Исботингиз борми?*

Мадина - *Ана орқа деразадан қаранг ҳалиям кутиб турибди. Менга чақириб юборишимни сўради.*

Шахло – *ерга қарайди.*

Орада бир оз сукунат чўкади.

Мадина - *Мени кечиринг.Мен ҳам оппоқмасман айбимни тан оламан. Гуноҳқорман.*

Зубайда хола – *қандай гуноҳ экан.*

Мадина – *Айбим ҳамманикидан ортиқ. Бунинг учун бир умр ўзимни кечиролмасам керак.*

Аёллар Мадинага қарайди. Мадина Мубинага тикилиб қолади.

** * **

Кўпқаватли уйларнинг бири.

Хонадон.

Ўртача хона. Хонада жингалаксоч аёл тикиш тикиб ўтиради. Бизга у орқасидан кўринади. Ешикдан бир 11-12 ёлардаги Мадина кўшиқ хиргойи

килб киради. Аёлни кўриб хиргойисиан тўхтайди оёқ учида юриб келади. Аёл уни кўрмай иш қилади. Мадина аёлнинг жингалак сочларини секин ўйнайди. Аёлнинг қўллари ишдан тўхтаб қолади. Бир оздан сўнг орқасига бурилади. Аёлнинг чиройли юзи ва хомиладорлиги билинади. Аёл Мадинага қараши билан хушидан кетиб ёнтомонлама оҳиста йиилади.

Мадинанинг кўзида кўрқув ва ҳайрат қотиб қолади.

Эшикдан касалхонага борган ўша маст эркак кириб келади.

Эркак - *Мадина. Онангга нима бўлди?*

Мадина кўзида кўрқув билан отасига қарайди.

* * *

Ўша хонадон.

Тун.

Хона оддий бўлса ҳам саранжомланган. Деразадан ой нури тушиб хонани хира ёритяпти. Хонанинг тўрида телевизор ўрин олган. Полга шолча ёйилган. Шолча устига тўшалан кўрпача устида Мубина билан аввалаги эпизоддан кўра улғайган Мадина ухлаб ётибди. Эшик ортидаги хонада биринчи эпизоддаги эркак ухлаб ётганлиги кўринади. Мубина йиғлайди.

Эркак – *Мадина анавинингни овозини ўчир, ухлагани қўядими йўқми?*

Мадина уйғонади. Мубинанинг пешонасидан ушлаб кўради. Туриб хона чироғини ёқади.

Эркак – *Уйқуниям расво қилди. Қараёлмасанг топширмайсанми, жонимга тегди ҳаммаси. Мен ҳам яшаш учун келганман-ку.*

Мубинанинг йиғиси кўрқув билан баландлашади. Мадина телевизор турган тортманинг ичидан кути олади. Қутининг ичидаги дориларни кўздан кечириб биттасини олади. Дорини дераза олдидаги стакандаги сув билан Мубинага ичиради. Мубина тинчимагач, уни кўлида кўтариб, ухлатишга тутинади. Мубинанинг овози тинади. Мадина чироқни ўчириради. Паст овозда алла айтиб хона бўйлаб Мубинани кўтариб кўлида овутади.

Мадина деразанинг олдида оҳиста келади. Экранда хотиржам алла айтаётган Мадина, унинг юзига тушиб турган ой шуласи, кўзидан тинимсиз оқаётган ёш кўринади. Мадинанинг кўз ёшлари Мубинанинг киймига тушиб туради.

* * *

Касалхона.

Мадинанинг хонаси.

Аёллар Мадинага қараб қолишади.

Мадина - бир икки жойда дўхтирларнинг айтишича, ўша пайтда онам қаттиқ қўрққанидан синглим ногирон тугилган экан.

Зубайда хола - бу тақдирнинг иши. Айбинг сабабчи бўлганинг холос.

Мадина - Билмадим. Лекин айб мендан ўтди.

Гулсара – Ҳа, сизга ҳам осонмас экан, биз бўлса...

Зубайда хола - Онангга нима бўлган. У қаерда?

Мадина - Уларга ҳеч нима бўлмаган. Бир йили қаттиқ автоҳалокатга учрадик. Дадам бошларидан зарб еб, операция бўлдилар. Кейинчалик ўз-ўзларидан ичкиликка муккасидан кетадиган, ҳар куни арзимаган нарсага жанжал чиқарадиган одамга айландилар. Цемент заводда бошлиқ эдилар, ишдан кетдилр. Онам оилани боқиш учун чет элга ишлашга кетдилар. Кейинчалик, уйга кам келадиган кам пул жўнатадиган бўлиб кетдилар. Дадам онамдан нуқул пул сўрардилар. Онам охирги бор келганларидан кейин хомиладор бўлдилар. Дадам билан яна катта жанжал бўлди. Дадам онамга болани олдириб ташлаши кераклигини айтдилар. Онам ҳам бола ортиқчалигини, бунга розилигини айтди.

Зубайда хола- Бу гуноҳ болам.

Мадина – Ҳа. Мен қўймадим. Менинг бошқа жигарим, яқиним йўқ унга ўзим қарайман деб йиғладим.

Гулсара – Кейин нима бўлди?

Мадина (Мубинага қараб кулиб қўяди) - Мубинани кўрдилар. Унга ўзим исм қўйдирдим...

Зубайда хола – Турмушга чиқмаганмисан?

Мадина – Йўқ.

Шахло - Нега ҳаммани алдадингиз?

Мадина – Турмушга чиқмаслик учун. Ортиқча гапирмасликлари учун ҳам.

Гулсара - *Онангиз қаерда? Нега сизни ташлаб қўйди?*

Мадина - *Синглим туғилгач, ярим ёшлигида чет элга кетиб қолдилар.*

Гулсара - *Пул юборадимми?*

Шахло - *Хабар оладими?*

Мадина - *Йўқ. Билмайман... Қайтмайдилар, уларга ортиқчамиз...*

Зубайда хола - *Нега болани давлатга топшириб юбормадинг? У билан қийналиб қоляпсан.*

Мадина - *Усиз яшолмайман.*

Гулсара - *бир ўзингиз қандай боқдингиз.*

Мадина - *У мени боқади. Давлатдан пенсия олади. Кейин бозорда бир аммам савдо қилади. У ҳам қарашиб туради. Ўзимни ҳам тикувчиликдан хабарим бор.*

Зубайда хола - *Орқангдан бир икки сўраб келган маст эркак ким бўлади?*

Мадина – *Дадам.*

Аёллар бир бирига қараб қўяди.

Зубайда хола – *Отанг?*

* * *

Биринчи эпизод қайтарилади.

Муסיқа ва овозлар шовқини янграйди. Мадинанинг отаси диванга бошини қўйиб тепага қараб ухляпти. Унинг ёнида Мадина кўзини ердаги бир нуқтага қаратиб туради. Қизнинг ёнида ичимлик тўла стакан, ароқ, коньяк, кулдонда сигарет қизнинг юзини биз томонга тўсиб, тутаб туради.

Мадина - *Дада, синглим операцияга таёрланяпти. Шу ичкиликларингизни ташланг. Касалхона учун пул керак.*

Эркак сигарета тутатади.

Эркак - *Бошимни оғритма. Кет дедим сенга. Менда онангни ҳароми боласига, берадиаган пулим йўқ.*

Мадина – *Дада, нега уни ҳароми дейсиз? У болангиз-ку, нега пенциясини олиб қўйдингиз? Шуни қайтаринг ҳеч бўлмаса.*

Эркак - *Мадина қачон ақлинг киради? Уни даволат деб ким айтди сенга. Бир тийнлик фойдаси йўқ болани боққунча менга пул бер. Отангман ахир. Унинг одам бўлмайди, тузалмайди Мадина.*

Мадина – *Дада у мени синглим.*

Эркак - *Кет. Тинч қўй мени. Индамаганимга ҳаддингдан ошма.*

* * *

Касалхона.

Аёллар Мадинага раҳмдил нигоҳда қараб туришади.

Мадина - *Ўзим операция пулини тўлолмаяпман дадам ароққа пул сўраб келди.*

Қизнинг кўзидан ёшдумалаб Мубинанинг юзига тушади. Мадина уни артиб қўяди.

Зубайда хола - *Ҳар куни қаёққа кетасан?*

Мадина- *Пул топиш учун кирмаган эшигим, қилмаган ишим қолмади. Ўзимни, номусимни ҳимоялаш учун қанча хавфдан қочиб қутилганим ўзимга аён. Неча бор инсон зотидан нафратландим, хўрландим ўзимга аён.*

Гулсара - *Бирор кишидан ёрдам олиб туролмадингизми?*

Мадина- *Кимдан олай? Дадам ва мендан безор бўлган чет элда бизнеси гуллаб енгил ҳаётга ўрганиб кетган, менинг тақдиримга заррача ҳам қизикмайдиган онамданми? Ароқ ичса ўзини ҳам унутиб қўядиган орсиз отамданми? Ёки ёнига иш сўраб борсам кўзи ўйноқи, гўшт сотувчи йигитга сени бераман деб ҳоли жонимга қўймайдиган аммамдан сўрайми?*

Гулсара - *Нега оилангиз бўлиниб кетган?*

Мадина - *Кўз тегдимикан, ҳаёт тўсиқларига ота онам дош беролмадимми? Дадам шу кўйга тушгач, унга севиб турмушга чиққан онам ҳам отамнинг инжиқлигини кўтаролмади, муносабатларни узди. Чет элдаги ишлари яхши эди. Аммо тез орада ўзгардилар, ҳатто биздан ҳам совиб*

кетдилар. Мен онамни ҳали ҳам яхши кўраман. Қанчалар меҳрларига муҳтожлигимни, тунлари туш кўришимни билсангиз эди!

Шаҳло - Нега доим маюссиз?

Мадина - Тинч оиламиз икки уч йиллар ичида пароканда бўлди. Ундан олдин бахт нима, меҳр-чи, қувонч- кулгу нималигини менадан сўранг эди.

Гулсара - Балки турмушга чиқсангиз ҳаммаси ўзгариб кетар. Отангиз ҳам меҳрибон бўлиб қолармиди. Янги оилангиз янги бахт берармиди?

Мадина - Йўқ, аслида, кўрқаман.

Гулсара – Нега кўрқасиз?

Мадина – Ўз оиламдек бузилиб кетишидан. Соғлом фарзанд кўрармиканман?

Зубайда хола – Инсон доим келажagini яхши ўйлар билан ўйлаши керак. Пок инсон нимани тилак қилса, тилаги тезроқ амалга ошади.

Мадина - Мубинага нима бўлади? Менга ундан бошқа ҳеч кимнинг кераги йўқ. Унинг борлиги менга етади.

Зубайда хола - Бунини ўйлаб кўриш керак. Ёлғизлик ўзидан бўлак ҳеч кимга ярашмайди. Ҳамманинг ўз оиласи бўлади. Хоҳласанг ўзимга келин бўлақол.

Гулсара (Зубайда холага қарайди.) - Сизнинг отингиз Зубайда холамас, қуда бўлиши керак.

Хонада кулгу овози кўтарилади. Мубина уларга қараб жилмайиб ўтиради.

Шаҳло - Мадинахон истайсизми операция тўловига қарашиб юбораман.

Мадина – Керакмас она, раҳмат! Мен бировдан пул оломайман. Ўзингизга ишлатинг. Бугун кетаман. Бу ерда ҳам кўп қолиб кетдим. Дўхтирни олдига кириб, тўловни кейинроқ ҳал қилишимни айтаман.

Мадина нарсаларини йиғиштира бошлайди.

* * *

Шифокор хонаси.

Кичик аммо бежирим хона. Дераза олдида турли хона гуллари териб кўйилган.

Диванда Мадина ўтирибди. Шифокор 45-50 ёшлардаги сочига оқ оралаган, кўзида кўзойнак таққан эркак. У компьютерда нималарнидир ёзиб ўтиради.

Шифокор - *Нима гап эшитаман?*

Мадина - *Дўхтир олдингизга нозик масала билан келгандим.*

Шифокор – *Эшитаман. Синглингиз яхшими?*

Мадина – *Раҳмат! Кам кўрманг. Операцияси яхши ўтди. Бизга яқинда жавоб ҳам берилди.*

Шифокор – *Хўш?*

Мадина – *Сизга кетгунимча операция тўловини тўлайман дегандим. Аммо тўловни тўлашга пул тополмадим. Шунинг учун кетолмадим ҳам.*

Қиз қора пакетда ўрамни стол устига қўяди.

Мадина – *Топганим шу бўлди. Бу ерда икки юз минг сўм. Қолганини муҳлат берсангиз бир ойлара узардим.*

Дўхтир ўрнидан туради. Пулни олиб, қизга тутди.

Дўхтир - *Қизим тенгисиз. Бунинг синглингизга ишлатинг. Оилавий шароитингиздан хабар топдим. Биздан қарзингиз йўқ. Сиз бораверинг. Болани муолажасидан қолдирмай олиб келинг. Ўзим тузатиб бераман.*

Мадина (Кўзлари қувончдан катта-катта очилади) - *Наҳот у тузалса, раҳмат, сизга дўхтир пулни олаверинг!*

Дўхтир - *Менинг пулим ўзимга етади. Инсон ҳаётда яхшилик ҳам қилиб туриши керак. Энди боринг.*

Мадина мамнуният ва қувонч билан кўзи порлаб кетади

Мадина (Кўлини кўксига қўяди) - *Раҳмат! Яхшилигингизни унутмайман.*

* * *

Касалхона.

Мадинанинг хонаси.

Шахло, Гулсара, Зубайда хола деразадан пастга қараб, табассум билан кўл силкитиб қўйишади. Пастда бир кўлида бола бир елкасига сумка илган Мадина узун йўлак бўйлаб кетиб боради.

* * *

Олой бозори.

Ёнида гавдали, яктакли, белини белбоғ билан боғлаб олган эркак юриб келади.

Гўшт сотувчи йигит (Мадинанинг аммаси кўрсатган йигит)– *Соҳиб ака келинг яхши гўштлардан бор.*

Эркак - *Чўпонга ҳам гўшт сотасанми, ўзимизда деҳқончилик бўлса?*

Гўшт сотувчи йигит - *Гўштнинг сараси бизда-да ака. Келинг булардан шундай овқатлар қиладики. Шу гўшtdан келинойимга айтиб овқат қилдиргингиз келади.*

Эркак – *Эй, бизникилар фақат қовун тарвуз ейди. Гўшtdан тўйган.*

Орқадан рўмол боғлаган, узун сипо кўйлак кийган Шахло бир кўлида қовун бир кўлида тарвуз кўтариб келади.

Шахло – *Қовун, тарвуз емай мангина ўлай. Шунини кўтаришиб юборсангиз бўлмайдимми? Эркак бўлиб...*

Эркак - *Хотин бўлиб шунгаям ярамайсанми? Кўтар яхшилаб.*

Шахло – *Ундан кўра тинчгина болаларга дарс бериб юрсам яхшимасмиди?*

Эркак – *Сиз аввал ўзингизнинг болаларингизга эплаб дарс бериб қўйинг.*

Шахло - *Сизга тегмай мен ўлай.*

Эркак - *Бунча гап халтанг очилди? Э ким ҳам оларди сени мендан бошқа? Раҳмат дегин. Тезроқ олдимга туш. Ҳали тоққача қанча йўл бор? Қоронгига қолиб кетмайлик.*

Иккаласи бирин - кетин юриб боради.

* * *

Намошшом пайти.

Тоғли ҳудуд манзараси.

Мўжазгина ҳовли.

Ҳовлига сувлар сепилган. Гуллар ўсган. Гуллар оралаб йўлакчадан бир ярим икки ёшлар чамасидаги қиз болани етаклаб юрган икки нозик оёқ кўринади. Қиз эгилиб қизчага шоколат едиради. Боланинг оғзи шоколат бўлиб кетади. Экранда шоколат едираётган қиз орқа томонидан кўринади.

Қиз - Шоколат *еганингни ойингга айтма хўпми?*

Қизча - Айтмайман.

Қиз – Бўлмаса мен гап эшитаман, аймагин.

Қизча - Айтмайман.

Дарвозахонада матиз русумли мошинани тузатаётган. Ҳарбий формадаги 26- 27 ёшлардаги бўйдор қора қошли, қора кўзли эркак қизлар томонга қарайди.

Эркак (Кулиб) – Қарамайсизми, боядан бери опангиз чақиради.

Ичкарида қозон қовлаётган аёл овози келади - *Мубина, Мубина...*

Қиз бурилиб қарайди уни кадарда юзини кўрамиз. Кейин тик турган ҳолати ҳам кўринади.

Мубина - Лаббай она!

Мадина - Яна қизимга шоколат бердингми? Сени деб соғ тиши қолмайди шуни.

Мубина – Йўқ бермадим.

Мадина - Ундан кўра кириб дарсингни қил. Гимнастикангга таёрлан.

Мубина – Ҳозир.

Мубина болани поччасини ёнига қўяди.

Мубина – Почча қараб туринг. Озгина кўчада ўйнаб келай.

Эркак - Майли боринг.

Мубина - Опамга айтманг майлими?

Мубина югуриб чиқиб кетади.

Мадина орқасидан чўмич олиб чиқиб келади.

Мадина - *Бу қурмағур бунча кўча қизи бўлмаса-а? Мубина эҳтиёт бўл. Тез қайт кўчани чангитмасдан.*

Мубина ариқча бўйлаб, кўзичоқлар галасини қочириб, тўп ўйнаётган қизлар, болалар олдига югуриб кетади.

Т а м о м .

Саундреак

Булутларга қиёсингни тенглаб бўлмас,
Сен улардан мулойимсан, улардан оқ.
Не жабрга кўксинг тутиб ҳам йиғламас,
Кўзларингда бардошинг бор митти қароқ.

Нақорот

Толейинг бор бўлсин, юксак бўлсин мангу,
Шамолларга бошинг эгма, нозик ниҳол.
Нурми юзда ёнган ёғду, кўзи оҳу,
Юрагингга муҳаббатим боғлаб ол.

Сенга азал нелар битган билгим келар,
Аёнларингни англамас ақлим билан
Тоза ишққа номинг ёзиб бўлдим етар,
Сен кечикма бу ҳаётда бахтинг билан.

Нақорот

Толейинг бор бўлсин юксак бўлсин мангу,
Шамолларга бошинг эгма, нозик ниҳол.
Нурми юзда ёнган ёғду кўзи оҳу,
Юрагингга муҳаббатим боғлаб ол.

Тонгми сенга кулиб боққан қуёш қизи,
Кулгуларинг энди бахтнинг элчисидир.
Сенинг қадамларингмидир нурнинг изи.
Кўнгилларда умид ҳаёт белгисидир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И.А. Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч”, Т.: Маънавият-2008 й.
2. Аристотел “Поэтика” – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980 й.
3. Ҳ. Абдусаматов “Драма назарияси” – Т.: Ғ. Ғулом 200й
4. Ҳ. Икромов “Давр ва театр” – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Илмий нашриёт 2009 й.
5. Р. Н. Гунтекин “Чолиқуши”
- 6.А.Қахҳор. Ҳикматлар шодаси, Т.: Ўзбекистон, 2015 й
7. Ҳ.Абулқосимова, “Кино асослари” Ўқув қўлланма, 2007 й
8. Ҳ.Абулқосимова, “Кино санъати асослари” - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2009 й
9. Э. Аъзам, “Сув ёқалаб” Т. 2005 й
10. Google.uz интернет сайити